

Отангизни дуосини олинг!



15:04 / 30.08.2025 1910

Отангизнинг касб-хунарини эгаллашга, бошлаб қўйган хайрли ишларининг давомчиси бўлишга ҳаракат қилинг. Чунки оталар ўз ишини фарзандлари давом эттиришини хуш кўради ва шундай йўл тутсалар, улардан хурсанд бўлади. Агар бошқа соҳани эгаллаган бўлсангиз, унинг иши давом этиши ва кўнглини хурсанд қилиш учун ҳам касб-хунарини ўрганиб қўйинг. Аслида, фарзанд отасининг касбини давом эттирса, ўша соҳада тезроқ муваффақиятга эришади. Авваллари бундай анъанага катта эътибор қаратилган. Шунинг учун бутун сулолалар бир касб ёки ҳунар билан танилиб, ундан «ота касбимиз» дея фахрланганлар.

Отангиз ҳузурида кўчадаги муаммолар, нарх-наво ошгани ва ёмон воқеа-ҳодисаларни гапирманг. Унга кайфиятини бузадиган, зеҳнини банд қиладиган беҳуда маълумотларни етказманг.

Ҳар бир ишингизни бошлашдан аввал отангиздан изн сўраб, дуосини олинг. Имкон бўлса, илк иш кунингизда ишхонангизга олиб боринг, янги дўкон ёки бирор хизмат кўрсатиш шохобчаси очсангиз, албатта, фаолиятни унга хизмат кўрсатиш билан бошланг. Шунда ишингиз хайр-баракали бўлади. Агар бошламоқчи бўлган ишингизга отангиз рози бўлмаса, унга қўл урмаганингиз маъқул.

Бирор корхона ёки ташкилотда раҳбар бўлсангиз, у ерда отангизни асло ишчи, ходим сифатида ишлатманг. Аксинча, уни ўзингизга раҳбар деб билиб, вақти-вақти билан иш жойингизга таклиф қилиб, ундан маслаҳат сўранг ва сўзларига диққат билан қулоқ тутинг.

Қўпол хатога йўл қўйиш ёки бирор номақбул ишга қўл уриш билан отангизнинг шаънини булғаб қўйманг. Баъзан биров ёмон иш қилса, атрофдагилар унинг отасини лаънатлайди. Сиз ўзингизни гуноҳлардан, бировлар ҳаққини поймол қилишдан йирок тутинг. Бу билан ўзингизни ҳам, отангизни ҳам номини сақлаган бўласиз. Айниқса, қизлар бу борада ўта эҳтиёт бўлишлари лозим. Чунки отанинг ғурурини синдирадиган ва қаддини букадиган энг ёмон иш маҳрамлар, хусусан, қизларнинг маъсиятга қўл уришидир. Фарзандлар бирор ишга қўл урар экан, унинг оқибатини ва ота-онасининг шаънини ўйлаши лозим.

Агар отангизнинг яқин кишилари вафот этса, унга юпанч, ҳамдард бўлинг. Суҳбатлашиб, мусибатини аритишга ҳаракат қилинг. Чунки оталар мусибатда ҳам ғам-ташвишини бировга айтмай ичга ютади. Бу пайтда фарзандлари ёнида бўлиб, алоҳида эътибор кўрсатиши қалбига тасалли беради.

Отангиз кексайиб қолган бўлса, бошини босиб, оёқларини уқалаб чарчоғини кетказишга ҳаракат қилинг. Унинг ҳассаси бўлиб, доим қўлидан тутиб, ёнида етаклаб юринг.

Ўғиллар отанинг қанотидир. Сиз масжидга ва турли маросимларга отангиз ёнида биргалашиб боринг. Изнисиз олдига ўтманг ва дастурхонда ундан ва унинг дўстларидан юқорида ўтирманг.

«Қиблагох» китоби асосида тайёрланди

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2025 йил 16 январдаги 02-07/296-сонли хулосаси асосида тайёрланди.

